

“Portlatishsanoat” акциядорлик жамияти
акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ №1

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғи бўстон кўчаси, 139-уй

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2023 йил 23 июнь, соат 15-00.

Йиғилиш тури: Навбатдаги умумий йиғилиш.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2023 йил 26 майдаги мажлиси қарорига асосан чақирилган.

“Portlatishsanoat” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) томонидан муомалага чиқарилган жами акциялар сони 1 355 689 дона, шундан овоз берувчи оддий акциялар 1 255 689 дона ва имтиёзли акциялар 100 000 дона (овоз бериш ҳуқуқи пайдо бўлган), жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акциялари сони 895 189 дона. Йиғилиш кворуми 63,03 фоиз.

Раислик қилди: Жамият Кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев

Қатнашдилар:

- Жамият акциядорлари ва акциядорларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);
- Жамият бошқарув раиси - А.У. Газиев.

Таклиф этилганлар: Жамиятнинг санация бошқарувчиси – Е.А.Хазариди.

Йиғилишни жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- Йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;
- Йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - очик овоз бериш йўли билан

Таклиф овозга қўйилди.

Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини сайлаш кераклигини таъкидлаб ўтди ва қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди:

• Йиғилиш Президиуми:

1. Ш.Т. Салыходжаев - жамият кузатув кенгаши раиси
2. А.У. Газиев - Жамият бошқарув раиси
3. Д.М. Шарафудинова - Жамият ходими

• Йиғилиш раиси - Ш.Т. Салыходжаев.

• Йиғилиш котиби – Д.М. Шарафудинова

Очик овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

- Йиғилиш Президиуми - Ш.Т. Салыходжаев, А.У. Газиев,

Д.М. Шарафудинова;

- **Йиғилиш раиси** - Ш.Т. Салыходжаев;
- **Йиғилиш котиби** – Д.М. Шарафудинова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва Президиумдан ўз жойларини эгаллашларини сўради.

Йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев акциядорлар умумий йиғилишида овозларни санаб чиқиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун камида уч кишидан иборат санок комиссиясини сайлаш лозимлигини билдирган ҳолда санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди: Д.М. Шарафудинова, Л.В. Абдурахманова, К.З. Мирсагаатов.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш кворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзни санок комиссияси аъзоси Д.М. Шарафудиновага берди.

Санок комиссияси раиси Д.М. Шарафудиновага сўзга чиқиб, йиғилишда жами 895 189 дона овозга эга бўлган 1 та акциядор рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш кворуми 63,03 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига асосан мажлисни ўтказиш учун кворум мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, “Portlatishsanoat” Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши томонидан тайёрланган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши санок комиссияси аъзоларини тасдиқлаш.
3. Жамият бошқарув раисининг 2022 йил молия - хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес - режа параметрларини бажарилиши тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2022 йил молия - хўжалик фаолияти яқуни бўйича бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.
5. Ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2022 йил яқуни бўйича ўтказилган ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
7. Жамиятнинг 2022 йил корпоратив бошқарув тизими баҳолаш хулосасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2022 йил молия - хўжалик фаолияти бўйича фойда (зарар)ни тақсимлаш.

9. Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.

10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият томонидан йирик битим тузиш масаласини кўриб чиқиш.

12. Жамиятнинг 2023 йилга бизнес - режасини тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, акциядорлар умумий йиғилиши регламенти билан таништирди.

- Кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотларни (маълумотларни) тинглаш учун – 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси учун – 5 дақиқа.
- Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар учун – 5 дақиқа.
- Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзоларига қуйидаги номзодларни сайлашни таклиф этди:

1. Д.М. Шарафудинова
2. Л.В. Абдурахманова
3. К.З. Мирсагатов

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси А.У. Газиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йил молия - хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес - режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Хусусан, Жамиятнинг 2022 йилги бизнес - режа бўйича:

- жами товар (иш ва хизматлар) сотишдан даромади 3 000 000,0 минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 235 785,0 минг сўмни ташкил этиб, 2 764 215,0 минг сўмга кам бажарилган;

- асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 190 000, минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 3 001 825,91 минг сўмни ташкил этиб, 2 811 825,0 минг сўмга кўп бажарилган;

- молиявий - хўжалик фаолияти соф фойдаси 230 000, минг сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 668 349,55 минг сўмни ташкил этиб, 438 349,55 минг сўмга кўп бажарилган;

Йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев Жамият ижроия органининг Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйишни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йилдаги молиявий – хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботлари ва бухгалтерия балансини ўқиб эшиттирди. Жамият молиявий ҳисоботлари аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганлигини маълум қилди (ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йилдаги баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари, йиллик ҳисоботи тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиев сўзга чиқиб, “MASLAXATAUDIT-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2022 йил молия - хўжалик фаолиятини миллий аудит стандартларига ҳам халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси ва хулосаси билан йиғилиш катнашчиларини таништирди (хулосаси илова қилинади).

Аудиторлик текшируви натижаси бўйича аудиторлик хулосаси берилган бўлиб, жамиятнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттириши ва амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келиши кўрсатилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, “MASLAXATAUDIT-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2022 йил молия - хўжалик фаолиятини миллий аудит стандартларига ҳам халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси ва хулосасини тасдиқлаш учун овозга қўйишни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди ҳамда йиғилиш катнашчиларидан мазкур ҳисоботни тасдиқлашни таклиф этди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан Жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамиятда 2022 йил давомида корпоратив бошқарув тамойиларига риоя қилиниши юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда баҳолаш натижалари бўйича хулосаси йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди.

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими (284 балл билан) “қоникарли” деб баҳоланган.

Йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиёв сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2022 йил якунлари бўйича олинган 668 349,55 минг сўм соф фойда олинганлигини маълум қилди.

Жамият уставига асосан Жамиятда номинал қиймати 1094,71 сўм бўлган 100 000 дона имтиёзли акциялар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 54 - моддасига асосан жамият:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмаслигини маълум қилди.

Молия вазирлигининг 11.02.2023 йилдаги 07-46-01-03/02-сонли кўрсатмасида Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиққанлиги ҳолатлари аниқланган.

Жамият молиявий қийин аҳволда эканлигини, Жамиятга нисбатан банкротлик иши очилиб, 24 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилганлигини (суд ажрими илова қилинади) тушунтирди.

Шунингдек, Жамиятнинг 01.01.2023 йил ҳолатига ўтган йиллардан жами 3 453 257,0 минг сўм зарари тўпланганлигини маълум қилди.

Жамият кузатув кенгаши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлганлиги ҳамда Жамиятга нисбатан банкротлик иши кўзғатилганлиги сабабли қуйидагича қарор қабул қилишни таклиф этди:

- Жамият томонидан 2022 йил якунлари бўйича олинган 668 349,55 минг сўм соф фойдасини Жамиятнинг ўтган йиллардан тўпланган зарарини қисман қоплаш учун йўналтириш;

- Жамиятнинг барча акциялари бўйича дивидендлар тўламаслик.

Ушбу таклифлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Йиғилиши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларидан Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш масаласида, Жамиятнинг 2022 йил учун тасдиқланган бизнес - режанинг соф фойда кўрсаткичи бажарилганлигини, Жамиятга нисбатан банкротлик иши очилиб, 24 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилганлигини инобатга олиб, Жамият бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси - Газиев Алимджан Ускамбаевични Жамиятнинг бошқарув раиси сифатида уч йил муддатга тайинлашни таклиф этди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан Йиғилиши раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Жамият акциядорлари томонидан кузатув кенгаши аъзоллигига сайлаш учун номзодлар тақдим этилмаган.

Шунга кўра, Жамиятнинг амалдаги кузатув кенгашининг ваколат муддати тугаганлигини маълумот учун қабул қилиш ва Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласини жамият иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдириш таклиф этилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиев сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Жамият томонидан Жамият балансида бўлган Фарғона вилоятида жойлашган умумий майдони 4,01 Га бўлган портлатиш моддалари сақланадиган омборхона (кейинги ўринларда - “Объект”)ни сотиш масаласи Жамият акциядорларининг 20.06.2022 йилда ўтказилган умумий йиғилишида кўриб чиқилган ҳамда Объектни “E-auction” электрон савдо платформаси орқали оммавий савдоларга чиқариш ҳамда сотувдан тушган маблағларни кредитор қарзларни қоплашга, биринчи навбатда иш хақи ва бюджет ҳамда бошқа мақсадли жамғармалардан бўлган қарзларни сўндиришга мақсадли йўналтириш бўйича қарор қабул қилинган.

Жамият ижроия органи белгиланган тартибда Объект “E-auction” электрон савдо платформасида савдога чиқарилган ҳамда Объектга харидорлар бўлмаганлиги сабабли қайта 3 марта савдоларга чиқарилган, бироқ харидорлар бўлмаган ва сотилмаган.

Шундан сўнг Жамиятнинг санация бошқарувчиси - Е.А.Хазариди сўзга чиқиб, куйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 126-127-моддаларига асосан санацияси таомили жорий этилган корхонанинг мол-мулкининг бир қисмини сотиш тартиби белгиланганлини ҳамда унга кўра;

корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа сифатида сотиш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдоси ўтказиш воситасида амалга оширилиши, электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдосини ўтказиш шартлари кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан белгиланиши;

электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдосига қўйиладиган корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа сифатида сотишнинг бошланғич нархи, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, корхонанинг мол-мулкини баҳоловчи ташкилот ўтказган баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланиши;

агар корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа сифатида электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдосида сотиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддат ичида битта ҳам буюртма келиб тушмаса ёки битта иштирокчидан буюртма тушган бўлса, кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилиши ва ушбу модданинг ўнинчи — ўн учинчи қисмларида назарда тутилган шартларда такрорий электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдоси ўтказилиши, корхона (бизнес) мулкий мажмуа сифатида биринчи электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдосида сотилмаган ҳолларда ҳам такрорий электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдоси ўтказилиши;

такрорий электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдосини ўтказиш мақсадида ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа сифатида сотиш ҳақидаги янги хабарни амалга ошмаган деб топилган ёки корхона (бизнес) мулкий мажмуа сифатида сотилмаган электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдосининг санасидан эътиборан ўн беш кун ичида, ушбу Қонуннинг мазкур моддасида ва 54-моддасида назарда тутилган тартибда эълон қилиши, бунда электрон онлайн-аукцион шаклидаги кимошди савдоси хабар эълон қилинган санадан эътиборан камида ўн беш кунлик муддат ўтгач, ўтказилиши, корхонани (бизнесни) мулкий мажмуа сифатида сотиш нархи кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига кўра босқичма-босқич пасайтирилиши мумкинлиги, бунда пасайтириш миқдори аввалги кимошди савдосидаги нархнинг ўн фоиздан кўп бўлмаслиги кераклиги, агар мулкий мажмуа сифатида сотилаётган корхона (бизнес) дастлабки савдодаги бошланғич нархдан йигирма фоизгача камайтирилган нархда сотилмаса, кейинги такрорий савдонинг бошланғич нархи кредиторлар йиғилиши билан келишилган ҳолда белгиланиши мумкинлиги, бунда пасайтириш миқдори дастлабки савдодаги бошланғич нархдан эллик фоиздан ошмаслиги кераклиги;

агар корхона (бизнес) ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган шартлар асосида мулкӣ мажмуа сифатида сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши қарорига биноан корхонани (бизнесни) мулкӣ мажмуа сифатида оммавий оферта савдосига қўйиши ва оммавий ахборот воситасида оммавий оферта тўғрисидаги таклиф эълон қилинган, камида ўн беш кундан кейин унинг учун энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномасини тузиши мумкинлиги белгиланган.

Жамият кредитори – “МАХАМ - UZBEKISTAN” МЧЖ ҚҚнинг 19.04.2023 йилдаги 218 – сонли хати билан Жамиятнинг санация бошқарувчиси ва Жамият ижроия органига мурожаат қилиб, мазкур Объект қийматини 10 фоизга тушириш масаласини кредиторлар умумий йиғилишида кўриб чиқишни сўраган (хат илова қилинади).

Шунга кўра, Жамият кредиторларининг 26.04.2023 йилда ўтказилган умумий йиғилиши мазкур Объект қийматини 10 фоизга тушириш ва уни қайта сотувга қўйиш бўйича қарор қабул қилинган (йиғилиш баённомаси илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йиғилиши катнашчилари томонидан қуйидагича қарор қабул қилиш таклиф этилди:

1. Жамият тасарруфидаги Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Саткак МФЙ ҳудудида жойлашган 751,94 кв.м. бўлган оғбор бино ва иншоотлари ҳамда унга бириктирилган 4,01 га ер майдони билан (кейинги ўринларда – “Объект”) “E-fuksion” электрон савдо платформаси орқали оммавий 3 марта савдоларга чиқарилганлигини, бироқ харидорлар бўлмаганлиги ва сотилмаганлигини маълумот учун қабул қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни ва Жамият кредиторларининг 26.04.2023 йилда ўтказилган умумий йиғилиши қарорига асосан Объект қийматини 10 фоизга тушириш ва уни қайта сотувга қўйиш бўйича қарор қабул қилинганлигини маълумот учун қилиш.

3. Жамият ижроия органига ҳар чоракда Жамиятни соғолмлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисларида ахборот киритиб бориш бўйича топширик бериш.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиёв сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес - режаси кўрсаткичларини маълум қилди ва унинг мазмуни билан йиғилиш катнашчиларини таништирилди (Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес-режаси илова қилинади).

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т. Салыходжаев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес-режасини иловага мувофиқ тасдиқлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибдаги ўн учинчи масала юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиёв сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 18.01.2023 йилдаги ЎРҚ-814-сонли Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилди ҳамда унга кўра жамиятнинг кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига талаблар ва уларнинг сайланиши тартиблари белгилаб берилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 09.03.2023 йилда ЎРҚ-821-сонли “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни тасдиқланган ҳамда унга кўра давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини бошқариш бўйича нормалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 24.03.2023 йилдаги “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 101 – сонли қарорининг 4 - иловаси билан тасдиқланган Давлат активларини бошқариш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизми фаолиятини трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси”да давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва дивиденд сиёсатини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, унда:

- корхоналарнинг ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш орқали давлат иштирокидаги корхоналарнинг раҳбари ва унинг ўринбосарлари танлов асосида тайинланиши (сайлананиши);

- қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда ижроия органи раҳбарлари рағбатлантирилмаслиги юзасидан корхоналарнинг ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 26.10.2022 йилдаги 619 - сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги 215 - сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда қонунчиликдаги бошқа ўзгаришлардан келиб чиқиб, Жамият ижроия органи томонидан Жамиятнинг янги таҳрирдаги янги таҳрирдаги устави ҳамда ички меъёрий ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланди (илова қилинади).

Шунга кўра Жамият томонидан тайёрланган Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва ички меъёрий ҳужжатларини иловаларга мувофиқ тасдиқлаш таклиф этилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 895 189 та овоз, 100%, Қарши – 0, Бетараф – 0.

Кун тартибда кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибининг биринчи масаласи бўйича:

Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш учун – 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси учун – 5 дақиқа.
- Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар учун – 5 дақиқа.
- Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

2. Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича:

Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари қуйидагича тасдиқлансин:

1. Д.М. Шарафудинова
2. Л.В. Абдурахманова
3. К.З. Мирсагатов

3. Кун тартибининг учинчи масаласи бўйича:

Жамият бошқарув раисиининг 2022 йил якунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлансин.

4. Кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича:

Жамиятнинг 2022 йилдаги баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари, йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Кун тартибининг бешинчи масаласи бўйича:

Жамиятнинг 2022 йил молия - хўжалик фаолиятини миллий аудит стандартларига ҳам халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси ва хулосаси тасдиқлансин.

6. Кун тартибининг олтинчи масаласи бўйича:

Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилда Жамият фаолиятини бошқаруви бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

7. Кун тартибининг еттинчи масаласи бўйича:

Жамиятнинг 2022 йил корпоратив бошқарув тизими баҳолаш хулосаси тасдиқлансин.

8. Кун тартибининг саккизинчи масаласи бўйича:

8.1. Жамият томонидан 2022 йил якунлари бўйича олинган 668 349,55 минг сўм соф фойдаси Жамиятнинг ўтган йиллардан тўпланган зарарини қисман коплаш учун йўналтирилсин.

8.2. Жамиятнинг барча акциялари бўйича дивидендлар тўланмасин.

9. Кун тартибининг тўққизинчи масаласи бўйича:

Жамият бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси - Газиёв Алимджан Ускамбаевич Жамиятнинг бошқарув раиси сифатида уч йил муддатга тайинлансин.

10. Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича:

10.1. Жамиятнинг амалдаги кузатув кенгашининг ваколат муддати тугаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10.2. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи жамият иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун қолдирилсин.

11. Кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича:

11.1. Жамият тасарруфидаги Фаргона вилояти, Фаргона тумани, Саткак МФЙ худудида жойлашган 751,94 кв.м. бўлган омбор бино ва иншоотлари ҳамда унга бириктирилган 4,01 га ер майдони билан (кейинги ўринларда – “Объект”) “E-fuksion” электрон савдо платформаси орқали оммавий 3 марта савдоларга чиқарилганлиги, бироқ харидорлар бўлмаганлиги ва сотилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11.2. Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни ва Жамият кредиторларининг 26.04.2023 йилда ўтказилган умумий йиғилиши қарорига асосан Объект қийматини 10 фоизга тушириш ва уни қайта сотувга қўйиш бўйича қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қилинсин.

11.3. Жамият ижроия органи (А.Газиёв) ҳар чоракда Жамиятни соғломлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисларида ахборот киритиб борсин.

12. Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи бўйича:

Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес - режаси 1 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Кун тартибининг ўн учинчи масаласи бўйича:

13.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави 2 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида”ги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.3. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом 4 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.4. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Ижроия органи тўғрисида”ги низом 5 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Ички аудит тўғрисида”ги низом 6 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни “ёпик” деб эълон қилди.

Баённома 2023 йил “___” _____ да тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси



Ш.Т. Салыходжаев

Йиғилиш котиби



Д.М. Шарафудинова

10.1. Жамиятнинг амалдаги кузатув кенгашининг ваколат муддати тугаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10.2. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи жамият иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун қолдирилсин.

11. Кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича:

11.1. Жамият тасарруфидаги Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Саткак МФЙ ҳудудида жойлашган 751,94 кв.м. бўлган омбор бино ва иншоотлари ҳамда унга бириктирилган 4,01 га ер майдони билан (кейинги ўринларда – “Объект”) “E-fuksion” электрон савдо платформаси орқали оммавий 3 марта савдоларга чиқарилганлиги, бироқ харидорлар бўлмаганлиги ва сотилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11.2. Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуни ва Жамият кредиторларининг 26.04.2023 йилда ўтказилган умумий йиғилиши қарорига асосан Объект қийматини 10 фоизга тушириш ва уни қайта сотувга қўйиш бўйича қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қилинсин.

11.3. Жамият ижроия органи (А.Газиёв) ҳар чоракда Жамиятни соғломлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисларида ахборот киритиб борсин.

12. Кун тартибининг ўн иккинчи масаласи бўйича:

Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес - режаси 1 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Кун тартибининг ўн учинчи масаласи бўйича:

13.1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави 2 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида”ги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.3. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом 4 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.4. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Ижроия органи тўғрисида”ги низом 5 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13.5. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Ички аудит тўғрисида”ги низом 6 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни “ёпик” деб эълон қилди.

Баённома 2023 йил “3” 9.10.2023 да тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси



Ш.Т. Салыходжаев

Йиғилиш котиби



Д.М. Шарафудинова